ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ
ҲОКИМИ ҚАРОРИ

ӨЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАРАҚАЛПАКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЕЛЛИКҚАЛА РАЙОНЛЫҚ
ХӘКИМИ ШЕШИМИ

Бўстон шаҳри — Бостон қаласы

№ 124/2 — 2018 йил «16» февраль

Элликқалъа тумани ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 31-январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2-сон)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга ва фуқароларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар хисобидаги транспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати ҳафсизлиги бошқармаси билан Элликқалъа тумани “АТК-20” МЧЖ ўртасида шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003-йил 31-январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-бўлим 5-бандининг “а” кичик бандидаги транспорт воситаларининг техник кўриги:

а) биринчи босқичда 2018 йилнинг 1 мартдан 30 июнгача;

б) иккинчи босқичда 2018 йилнинг 1 сентябрдан 31 октябргача;

в) юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2017-йилнинг 1-мартдан 30-июнгача;

г) жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2018 йилнинг 1 январдан 31 августгача ўтказилиши белгилансин.

4. Тумандаги барча корхона, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари хизматидаги траспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказишга тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар хамда хусусий транспорт воситалари бўлган фуқаролар ўз транспорт воситаларини белгиланган муддатларда

мажбурий техник кўрикдан ўтказишга техник томонидан соз ва ёроқли ахволда олиб келишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари Ў.Розумов ва туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Б.Избасаров зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор "Давр кўзгуси" газетасида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

ТУМАН ХОКИМИ: **С.АВЕЗОВ**

Келишилди:

Ў.Розумов

Тайёрловчи: А.Джумагельдиев *тел: 585-21-98*